



ЎЗБЕКИСТОНДА АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ ҲАМДА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ТАҲЛИЛИ

Раджабов Хушвакт Жамшедович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0001-0130-8766

Аннотация. Мақолада акциз тўланадиган солиқлар акциз тўланадиган маҳсулотлар нархига киритилади ва шу тариқа якуний истеъмолчиларга ўтказилади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича олиб борилган таҳлиллар ҳақида умумий маълумот берилган. Тадқиқот бозор динамикаси, меъёрий-ҳуқуқий базалар, саноат иштирокчилари ва ушбу икки секторга таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳар томонлама текширишни ўз ичига олади.

Акциз солиғи давлат даромадларини шакллантиришда ва муайян товар ва хизматлар истеъмолини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди. Ушбу мақолада акциз солиғи маъмуриятчилиги назорат механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган, асосий эътибор солиқ органларида сиёсат ислохотлари интеграция ва салоҳиятни оширишга қаратилган.

Калит сўзлар: эгри солиқлар, акциз солиғи, акцизостии маҳсулотлар, қийинчиликлар, самарасизлик, мувофиқлик, даромадларни оптималлаштириш, тартибга солиш натижалари, солиқлар ва солиққа тортиш, акцизостии товарларни солиққа тортиш амалиёти.

АНАЛИЗ ПРОИЗВОДСТВА И РЕАЛИЗАЦИИ АЛКОГОЛЬНОЙ И ТАБАЧНОЙ ПРОДУКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Раджабов Хушвакт Джамшедович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье указано, что акцизы включаются в цену подакцизных товаров и таким образом перекладываются на конечных потребителей. При этом приведены общие сведения о проведенных анализах по производству и реализации алкогольной и табачной продукции в Узбекистане. Исследование включает в себя комплексное изучение динамики рынка, нормативной базы, игроков отрасли и социально-экономических факторов, влияющих на эти два сектора.

Акцизный налог играет важную роль в формировании доходов государства и регулировании потребления отдельных товаров и услуг. В данной статье обозначены основные направления совершенствования механизмов контроля администрирования акцизного налога с упором на интеграцию политики реформ и наращивание потенциала налоговых органов.

Ключевые слова: косвенные налоги, акцизный налог, подакцизные товары, трудности, неэффективность, соблюдение требований, оптимизация доходов, результаты регулирования, налоги и налогообложение, практика налогообложения подакцизных товаров.

ANALYSIS OF PRODUCTION AND SALE OF ALCOHOL AND TOBACCO PRODUCTS IN UZBEKISTAN

Radjabov Khushvakt Jamshedovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. The article states that excise taxes are included in the price of excise goods and thus passed on to final consumers. At the same time, general information about the analyzes conducted on the production and sale of alcohol and tobacco products in Uzbekistan is given. The study includes a comprehensive examination of market dynamics, regulatory frameworks, industry players and socio-economic factors affecting these two sectors.

Excise tax plays an important role in the formation of state revenues and regulation of consumption of certain goods and services. This article outlines the main directions for improving the control mechanisms of the excise tax administration, focusing on policy reforms integration and capacity building in tax authorities.

Key words: indirect taxes, excise tax, excise goods, difficulties, inefficiency, compliance, revenue optimization, regulatory results, taxes and taxation, practice of taxation of excise goods.

Кириш.

Мамлакатимизда акциз солиғи давлат даромадларини шакллантиришда ҳамда айрим тармоқларни тартибга солишда ҳал қилувчи ролга эга ҳисобланади. Лекин, акциз солиғи бўйича самарали маъмуриятчиликни таъминлаш турли қийинчиликлар туфайли мураккаб ҳисобланади. Акциз солиғи маъмурияти тартибга солинадиган тармоқларга таъсирини ҳисобга олган ҳолда риоя этилишини назорат қилиш, адолатли йиғишни таъминлаш ва даромадларни оптималлаштиришни ўз ичига олади. Акциз солиғини такомиллаштиришнинг хусусиятлари ва усулларини ўрганиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда ва давлат иқтисодий сиёсати фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у миллий иқтисодиёт молиявий ресурсларнинг муҳим қисми оқимини таъминлайди. Умуман олганда, акциз солиғи тизими мураккаб бўлиб, уни давлат бюджетида ҳисоблаш вазифалари билан тарихий алоқаларни шакллантиради. Шунингдек, акциз солиғи бюджет тизими бюджетини тўлдиришга сезиларли таъсир эга ва муҳим солиқ турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Акциз солиғи турли иқтисодий ривожланиш босқичларида бўлган қатор давлатларда билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади.

Каширинанинг (2017) фикрича, акциз солиғи тизими мураккаб ҳисобланади. Акциз солиғи ва алкогольли маҳсулотларнинг муомаласини назорат қилиш муаммоси мавжуд, чунки уларни сотиш ҳажми ноқонуний ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўламига тўғри келади ва катта миқдордаги маблағлар давлат бюджетидан ташқарида муомалада бўлади. Муаммонинг ечими алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда назоратни кучайтириш ва акциз тизимида етарли солиқ солинадиган базани яратиш учун шарт-шароит яратиш бўлиши мумкин.

Делипалла (2009) томонидан “акциз солиғи билвосита солиқларнинг таркибий қисмларидан биридир. 1976 йилдаги Акцизлар тўғрисидаги қонуннинг 6-бўлимида кўрсатилганидек, Малайзияга ва маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга импорт қилинадиган акциз солиғи. Бу бож давлат истеъмоли ёки ижтимоий муҳандислик тенденциясини ўзгартириш механизми сифатида ишлатилади. Акциз солиғи тўғрисидаги актда мажбурий бўлган товарларга спиртли ичимликлар, тамаки,

сигареталар, сигареталар, тўрт ғилдиракли ҳайдовчилар, кўп мақсадли транспорт воситалари ва ўйин карталари киради”.

Гилес, Теддс (2002) томонидан контрабанда фаолиятини солиқ органидан солиқ тўлашдан бўйин товлаш мақсадида амалга ошириладиган қонуний ёки ноқонуний, бозор ёки бозордан ташқари барча операциялар деб таърифлаган. Билвосита солиқларни тўлашдан бўйин товлаш кўпинча контрабанда, айниқса божхона тарифлари бўйича жиноятлар билан боғлиқ. Контрабанда жиноятлари ембарго, маҳсулот сифати ва квоталар каби пул ва пул бўлмаган даромадларга таъсир қилади.

Ҳаи ва Сее (2011) томонидан солиқ тўловларига қасддан ёки қасддан жалб қилинган компаниялар, жисмоний шахслар иштирокидаги ўлчовлар бўйича дуч келган қийинчиликлар туфайли мос келмаслик бўйича тадқиқот олиб боришди. Шу сабабли, ушбу тадқиқотда асосий эътибор солиқ тўловчи сифатида импорт қилувчилар ўртасида акциз солиғини бажармаслик ҳодисаси ва омилларига қаратилган.

Бундан ташқари, француз иқтисодчиси Ф.Дэмэзон таъкидлаб ўтган эди: “Акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир” (Джамалов, Уразметов, 2021).

Боровко (2012) фикрича, “ҳозирги замон солиқ сиёсатининг истиқболли йўналиши ва концептуал акциз солиғига тортиш амалиётининг ижтимоий йўналтирилган моделини шакллантириш ва унинг самарали ривожланишини таъминлашдир”.

Тегетаева (2016) фикрича, “акциз солиғи эгри солиқ таркибига кирсада, ҳозирда унинг асосий аҳамияти аҳоли ижтимоий истеъмолининг ҳолати ва истиқболлини баҳолаш мезони эканлигидадир”.

Троянская ва Низамиевалар (2013) таъкидлашича, “билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида акциз солиғидан истеъмолни тартибга солувчи ва ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш имкониятларини яратиш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётир”.

Юқорида билдирилган фикрларнинг таҳлили алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида акцизоти товарларни солиққа тортиш амалиёти ҳамда акциз солиғи маъмуриятчилиги мавзуси жуда кам ўрганилган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада акциз солиғини қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларида фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, акцизоти товарларни солиққа тортиш амалиётини самарали бошқаришда креатив ёндашувларнинг амалий аҳамиятини ёритиш бўйича илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда Ўзбекистонда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши таҳлил қиладиган бўлсак қуйдагилар кўришимиз мумкин бўлади.

Хусусан алкоголь маҳсулотлари:

Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар фаолияти устидан назоратни таъминлаш ва давлат бюджетига тегишли солиқларни ундириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Алкоголь маҳсулотлари бўйича акциз солиғи тушуми ва таъсир этувчи омиллар таҳлили.

2022 йил алкоголь маҳсулотлари бўйича акциз солиғидан 1 813 млрд.сўмлик прогноз кўрсаткичлари тасдиқланиб (2021 йилга нисбатан 1,2 бараварга кўп), 1 сентябрь ҳолатига 816,8 млрд.сўми ёки 45 фоизи таъминланди.

Ўтган йилнинг мос даврида 794,5 млрд.сўм ёки йиллик прогноз кўрсаткичининг 51,4 фоизи таъминланган. Куз-қиш ойларида алкоголь маҳсулотларига талабнинг ўсиши ҳисобига 2021 йил сентябрь-декабрь ойларида 621,6 млрд.сўм (йиллик прогнознинг 40,2 фоизи) тушум таъминланган. Алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи тўловчилари сони 54 тани ташкил этиб (шундан, 4 та этил спирти ишлаб чиқарувчи), алкоголь маҳсулотини ишлаб чиқарувчи 50 та корхонанинг 36 тасида (72%) акциз солиғи тўлови ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115,8 млрд. сўмга ёки 21 фоизга камайган.

Жумладан, “Sirdaryo vino” АЖ 3,5 млрд. сўмга (-100 %), “Komsar” МЧЖ 7,1 млрд. сўмга (-79 %), “Xovrenko nomidagi Samarqand vino kombinati” АЖ 6,1 млрд. сўмга (-69 %) ва “Karvon” МЧЖ 5,3 млрд.сўмга (-47 %). Қуйидаги омиллар (7 та) таъсири йил бошидан 324,5 млрд.сўмдан ортиқ акциз солиғи ва 68,0 млрд.сўм ҚҚС ҳисобланмаслигига олиб келган:

Этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2022 йилда ўтган йил мос даврига нисбатан 10 фоиз кам маҳсулот реализация қилинганлиги (2022 й. - 9,4 млн. дал, 2021 й. - 10.4 млн.дал) натижасида 119,2 млрд.сўм акциз солиғи ҳисобланмаслигига олиб келган. Хусусан, ўтган йилнинг мос даврида 44,8 минг дал спиртли ичимлик реализация қилган ва жами 9,4 млрд.сўм акциз солиғи тўлаган 12 та корхона жорий йилда фаолият кўрсатмаган. Шундан, 1 та корхона (“Savb” МЧЖ) лицензияси бекор бўлган, 3 та корхона (“Orzu K” МЧЖ, “Yangiqo‘rgon sharobi” МЧЖ, “Gallaorol nur” ХК) лицензияси 6 ойга (1 октябрғача) тўхтатилган ва 1 та корхонанинг (“Dacha” МЧЖ) ароқ ва ликёр маҳсулотини ишлаб чиқариш учун лицензиясини бекор қилинган.

Шунингдек, 2021 йилда 638,8 млрд.сўм акциз солиғи тўлаган, 29 та корхонанинг реализация ҳажми ўтган йилга нисбатан 27 фоизга камайганлиги (-1,6 млн.дал) ҳисобига жорий йилда улар томонидан 95,1 млрд.сўм (-15 %) кам акциз солиғи тўланган. Шундан, 1 та корхона (“Komsar” МЧЖ) лицензияси барча маҳсулотларга бекор бўлган, 1 та корхона (“Lazzat” МЧЖ) лицензияси 6 ойга (1 октябрғача) тўхтатилган ва 1 та корхонанинг (“Sirdaryo vino” АЖ) ароқ маҳсулотини ишлаб чиқариш учун лицензияси бекор қилинган.

Мисол учун: “Toshkentvino kombinati” АЖ 439,8 минг далга (-11,9 млрд.сўм акциз), “Farovon” МЧЖ 169,2 минг далга (-5,1 млрд.сўм), “Afsar Company LTD” МЧЖ 165,4 минг далга (-14 млрд.сўм) ва “Far-Vab” МЧЖ ҚК 154,3 минг далга (- 20,3 млрд.сўм) камайган.

2022 йилда 9 та корхонада 1,7 млн.дал алкоголь маҳсулотлари реализацияси қилиниб, айнан уларда реализация ҳажми ўтган йилга нисбатан 2 бараварга ўсган ва бюджетга 222,3 млрд.сўм акциз солиғи тўланган (2,3 бараварга кўп).

Этил спиртини ишлаб чиқарувчилар томонидан 2022 йилда 111,2 млн.тонна буғдой хом ашёси харид қилиниб, ўтган йилнинг мос даврига (128,2 млн.тонна) нисбатан 16,9 млн.тоннага (-13,2 фоиз) камайган.

Худди шундай, алкоголь маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар томонидан жорий йилда 2,6 млн.дал этил спирти хом ашё сифатида харид қилинган бўлса, ўтган йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 3,1 млн.дални (-511,9 минг дал ёки -16,4 %) ташкил этган.

Ўтган йилга нисбатан кам харид қилинган хом ашёдан (буғдой ва этил спирти) ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган 546,7 минг дал этил спирти ҳамда 411,6 минг дал алкоголь маҳсулотлари бўйича 64,9 млрд.сўм акциз солиғи йўқотилди. Этил спиртини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2022 йилда 3,5 млн.дал маҳсулот реализация қилиниб, шундан 2,6 млн.дал (ўтган йилга нисбатан 511,9 минг дал кам) алкоголь ишлаб чиқарувчиларга, қолган 934,8 минг дал (ўтган йили 587,5 минг дал) 593 та бошқа ишлаб чиқарувчиларга реализация қилинган.

“Andijon biokimyov zavodi” АЖ томонидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан алкоголь ишлаб чиқарувчиларга 271,9 минг дал кам (51 фоиз), бошқа ишлаб чиқарувчиларга 293,9 минг дал кўп (2,8 бараварга ошган) маҳсулот реализация қилинган. 2022 йилда 594,8 минг дал этил спирти (бошқа корхоналарга реализация қилинган спиртнинг

64 фоизи) 36 та антисептик ва тиббий спирт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан харид қилиниб, ушбу корхоналар томонидан таркибида ўртача 242,9 минг дал спирт мавжуд бўлган 70,4 млрд.сўмлик антисептик ва тиббий спирт маҳсулотлари реализация қилинганлиги аниқланди. 2022 йил давомида 19 та антисептик ва тиббий спирт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2021 йилга нисбатан 4 бараварга кўп яъни, 485,1 минг дал спирт сотиб олган. Ушбу корхоналар томонидан сотиб олинган спирт ҳажми ҳатто пандемия давридаги харидидан (2020 йил) ҳам 5 бараварга юқорилиги ва таҳлил натижасида аниқланган бошқа фактларга асосан, ушбу спирт маҳсулотлари ноқонуний алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтираётганлигига шубҳа қилинмоқда. Ушбу корхоналарга мазкур схема 50 млрд.сўмдан ортиқ акциз солиғи тўламаслик имкониятини берган. Мисол учун: “Afrosiyobfarm” МЧЖ томонидан жорий йилда 137,6 минг дал этил спирти (йил давомида харид қилинган ТМБларнинг 95,4 фоизи) харид қилинган. Жамият томонидан 8 ой давомида 20,8 млрд.сўмлик (жами реализациянинг 75,9 фоизи) антисептик ва тиббий спирт маҳсулотлари реализация қилинган. Жамият томонидан Онлайн-НКТ орқали 24,7 млрд. сўмлик маҳсулотлар нақд пулга реализация қилинганлиги (272 та чек), антисептик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарурий хом ашёлар (глицерин, водород пероксида, ранг берувчилар) харид қилинмаганлиги, тайёр маҳсулотни қадоқлаш учун харид қилинган флаконлар (50 мл) ҳамда реализация қилинган маҳсулот қадоқлари (200 мл) ҳажмидаги фарқ мавжудлиги сабабли, жамият томонидан харид қилинган 137,6 минг дал этил спирти кейинчалик алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга нақд пул эвазига сотилаётгани шубҳа қилинмоқда (солиқдан қочиш схемаси илова қилинади).

Ўтказилган ўрганишлар, ҳисоб-фактура ва онлайн НКМ чекларида акс эттирилаётган алкоголь маҳсулотлари нархи, ҳақиқатдаги бозор нархидан кескин фарқ қилаётганлигини кўрсатди. “Toshkentvino Kombinati” АЖ томонидан ишлаб чиқилган, бозор нархи ўртача 50 минг сўм бўлган 0,5 литр ҳажмли “Royal Elite Gold 40%” ароғи ишлаб чиқарувчидан якуний истеъмолчигача реализация қилиниш занжири ўрганиб чиқилди. “Toshkentvino Kombinati” АЖдан 30 та улгуржи савдо корхоналарига 470,6 минг дона маҳсулот 16,9 млрд.сўмга (ўртача 35,9 минг сўм), улгуржи корхоналари томонидан 443,6 минг дона маҳсулот 16,0 млрд.сўмга реализация қилинган (ўртача 36,1 минг сўм). Чакана савдо корхоналари томонидан эса, якуний истеъмолчиларга онлайн-НКТ орқали 16,7 млрд.сўмга (ўртача 38,6 минг сўм) сотилган.

Шунингдек, таҳлил натижасида ишлаб чиқарувчи томонидан реализация қилинган нархдан ҳам арзонроқ нархда 227,0 минг дона маҳсулот 5,4 млрд.сўмга (ўртача 23,6 минг сўмдан) онлайн-НКТ орқали истеъмолчиларга реализация қилинганлиги аниқланди. Масалан: “Toshkentvino Kombinati” АЖ томонидан улгуржи савдо корхонасига 35,4 минг сўмдан ва ушбу улгуржи корхонаси устама қўймаган ҳолда шу нархда “Nilola” МЧЖга (чакана савдо корхонаси), ва “Nilola” МЧЖнинг якуний истеъмолчига 38 минг сўмдан реализация қилинган. Бундан ташқари, 9 та алкоголь ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 346,6 мингта 2,4 млрд.сўмлик алкоголь маҳсулотлари белгиланган реализация қилишнинг минимал қийматидан ҳам 840,7 млн.сўмга паст нархда реализация қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги ВМҚ 80-сон қарорига асосан мазкур субъектларга нисбатан, минимал нархларидан паст нархларда сотилган қийматнинг 20 фоизи миқдорида, бироқ БХМнинг 100 бараваридан кам бўлмаган миқдорда молиявий санкциялар қўлланилиши белгилаб қўйилган. Шу сабабдан, белгиланган қийматдан паст нархда реализация қилинган 9 та корхонага нисбатан жами 453,1 млн.сўм молиявий санкция қўллаш лозим. Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактураларда акциз солиғи акс этмаслик ёки камайтириб кўрсатиш натижасида 90,4 млрд.сўм акциз ва 68,0 млрд.сўм қўшилган

қиймат солиғи ҳисобланмасдан қолганлиги аниқланди. 2022 йил 1 январдан бошлаб рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун онлайн НКМ ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмалардан мажбурий фойдаланиш талаби ўрнатилган (04.10.2021 йилдаги ПҚ-5252-сон).

Бугунги кунда алкоголь маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг 6 991 та савдо шахобчалари махсус қурилмалар (2D-сканер) билан тўлиқ жиҳозланган бўлсада, маркировкаланган маҳсулотлар реализациясида махсус қурилмаларда ўтказилмаслик ҳолатлари мавжуд. Мисол учун, 2022 йилда улгуржи корхоналар томонидан махсус қурилмада акс эттирган ҳолда чакана савдо корхоналарига 56,0 млн. дона алкоголь маҳсулотлари етказилган бўлса, чакана савдо корхоналаридан ушбу маҳсулотларнинг атиги 5 фоизи ёки 2,9 млн. донаси махсус қурилмаларда ўтказилганлиги маълум бўлди. Алкоголь маҳсулотларни чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналар таҳлил қилинганда, жорий йилнинг январь-август ойларида 6 526 та (рухсатномаси мавжуд) корхоналар томонидан 2 826,3 млрд. сўмлик алкоголь маҳсулотлари реализация қилиниб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан савдо 2,2 бараварга (1 286,8 млрд. сўм) ошган. Шунингдек, рухсатномаси мавжуд бўлмаган 1 079 та корхоналар 41,4 млрд. сўмлик алкоголь маҳсулотларини ноқонуний савдоси билан шуғулланган. Бунинг натижасида бир ойда ўртача 915 млн. сўмлик йиғим бюджетга ундирилмасдан қолинмоқда.

Алкоголь маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотилиши ҳолатлари таҳлил қилинганда Давлат солиқ хизмати органида алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда унинг реализациясида савдо қоидаларига риоя этиш юзасидан назорат тадбирларини ўтказиш, савдо қоидалари бузилганлик ҳолати бўйича жарима қўллаш, ноқонуний (қалбаки) алкоголь маҳсулотларини олиб қўйиш, мавжуд лицензияни бекор қилиш юзасидан тегишли агентликка мурожаат қилиш ваколати мавжуд. 2022 йилда ўтказилган назорат тадбирларида сотувдаги 377,2 млн. сўмлик 8 559 литр қалбаки акциз марка билан маркаланган спиртли ичимликлар, 3,6 млн. сўмлик 115 литр эски намунадаги акциз марка билан маркаланган спиртли ичимликлар, 7,7 млн. сўмлик 223 литр маркировкаланмаган спиртли ичимликлар ва 284,9 млн. сўмлик 37 100 литр ноқонуний ишлаб чиқарилган спирт маҳсулоти олиб қўйилган.

Хусусан, Фарғона вилоятида 4 753 литр (227,2 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида 1 510 литр (67,8 млрд. сўм), Тошкент вилоятида 1 693 литр (48,7 млрд. сўм), Хоразм вилоятида 718 литр (35,8 млрд. сўм) ва Тошкент шаҳрида 223 литр (9,1 млрд. сўм) маркировкаланмаган ҳамда қалбаки ёки эски намунадаги акциз маркали алкоголь маҳсулотлар олиб қўйилган. Қолган ҳудудларда ўтказилган текширувларда бундай ҳолатлар аниқланмаган. Мисол учун, “Shirin suv savdo” МЧЖнинг Тошкент вилоятида жойлашган омборида 9 308 дона қалбаки акциз маркали ва 55 дона маркировкаланмаган, шунингдек Тошкент шаҳридаги омборида 98 дона эски акциз маркали ва маркировкаланмаган алкоголь маҳсулотлари борлиги аниқланган.

Қалбаки акциз маркали алкоголь маҳсулотларидаги рақамли маркировка кодлари текширилганда “Ховренко номидagi Samarqand vino kombinati” АЖда ишлаб чиқарилганлиги маълум бўлган (аниқланган ҳолатлар юзасидан Агентликка тегишли чора кўриш юзасидан мурожаат хати юборилган). Шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси фаолияти билан шуғулланаётган 12 та субъектларда ўтказилган сайёр солиқ текширувларида 23,5 млрд. сўмлик алкоголь маҳсулотлари қолдиғи камомади, 1,1 млрд. сўмлик алкоголь маҳсулотлар кирим ҳужжатларисиз сақланаётгани аниқланган. Бундан ташқари алкоголь маҳсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи 7 069 та савдо шахобчаларининг 2 743 тасида (39 %) чек бермаслик ҳолати юзасидан текширувлар ўтказилиб, 22,9 млрд. сўм жарима қўлланилган. Ҳудудлар

кесимида энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 655 та, Тошкент вилоятида 344 та ҳамда Самарқанд вилоятида 265 та шаҳобчада чек бермаслик ҳолатлари аниқланган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботида кўра Ўзбекистонда:

- тамаки маҳсулоти нархида акциз солиғи улуши - 56,3 фоиз (Россия – 56,1%, Қозоғистон – 55,7%, Беларусь – 55,6%, Қирғизистон – 52,9%, Арманистон – 44,2%).

- катта ёшдаги аҳоли ичида чекувчилар улуши – 9 фоиз (Туркменистон – 4%, Қозоғистон – 16%, Қирғизистон – 22%, Беларусь – 23%, Арманистон – 25%, Россия – 27%).

Таркибида никотин бўлган носигарет маҳсулотлар (электрон сигарет, кальян, тамаки, снюс-никпэк каби маҳсулотлар) оммавийлашуви анъанавий тамаки маҳсулотлари чекувчилари сонига таъсир кўрсатмоқда. Маълумот учун: Сўнгги 5 йилда носигарет никотинли маҳсулот импортининг умумий қиймати 34,3 баравар (2017 й. - 218,6 минг долл.дан, 2021 й. - 7 491,7 минг долл.), ҳажми 9 баравар (2017 й. - 32,6 минг кг дан, 2021 й. - 291,4 минг кг) ошди.

Ўзбекистоннинг фискал тизимида ҳал қилувчи ўрин тутати ва давлат даромадларига сезиларли ҳисса қўшади. Бироқ, акциз солиғини маъмуриятчилигининг самарадорлиги риоя этилишини таъминлаш, солиқ тўлашдан бўйин товлашни минималлаштириш ва даромадларни максимал даражада йиғиш учун жуда муҳимдир. Ўзбекистондаги амалдаги акциз солиғи тизими мураккаблик, ижро бўйича бўшлиқлар ва ривожланаётган иқтисодий манзара каби омиллардан келиб чиқадиган муаммоларга дуч келмоқда. Акциз солиғи қоидаларини соддалаштириш, илғор мониторинг технологиялари орқали мажбурулов чораларини кучайтириш ва трансчегаравий солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини бартараф этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ҳужжат бизнес ва жисмоний шахслар ўртасида хабардорликни ошириш ва солиққа риоя қилиш маданиятини ошириш учун шаффоф ҳисобот механизмлари ва ташаббусларини амалга оширишни талаб этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва АҚШ Марказий разведка бошқармасининг 189 мамлакатни қамраб олган ҳисоб-китобларига кўра, 2023 йилда дунё бўйича аҳоли жон бошига ўртача алкоголь истеъмоли йилига 6,4 литр тоза спиртни ташкил қилади. Спиртли ичимликларни энг кўп истеъмол қилиш бўйича пешқадам давлатлар қаторига Беларусь - 17,5 литр, Молдова - 16,8, Литва - 15,4 ва Россия - 15,1 литр киритилган.

Собиқ Иттифоқ худудида: Грузия - 7,45, Қирғизистон - 4,02, Арманистон - 3,77, Қозоғистон - 3,73, Туркменистон - 2,88, Ўзбекистон - 2,45, Озарбайжонда - 0,8 литр соф этил спирти истеъмол қилинади.

IWSR таҳлилчиларининг прогнозига кўра, 2023 йилда жаҳон алкоголь бозори ўсишни кўрсатиб, жаҳон иқтисодиётига 21,6 млрд.доллардан ортиқ даромад келтиради. Келгуси йилларда ўсишнинг асосий омиллари Ҳиндистон, Мексика, Бразилия, АҚШ ва Хитой давлатларида прогноз қилинган. 2022 йилдан 2027 йилгача бўлган даврда ўсиш суръати паст - йилига ўртача 1 фоизга яқин бўлиши кутилмоқда.

Нолегал алкогольли маҳсулотлар бозорининг ҳажми²²⁰

Мавжуд эксперт ҳисоб-китобларга кўра, жаҳон алкоголь бозорининг 26 % нолегал алкогольдан иборат бўлиб, бу 40 млн.гекталитрдан ортиқ, шу жумладан Европа Иттифоқида бу кўрсаткич 13 %, Қозоғистонда 30 % ва Россияда 27 %ни ташкил этади.

Бу эса, алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиб берилаётган этил спирти тўлиқ ҳажмда кирим қилинмаётганлиги, акциз солиғи етарли даражада ўндирилмаганлиги, шунингдек ички бозорга “контрафакт” маҳсулотларнинг чиқарилганлиги ва аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказилмиши хулоса қилинмоқда. Ушбу масала ечими ўрганилган жараёнида, ривожланган давлатларда

²²⁰ <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-rynka-alkogolnoy-produktsii>

ишлаб чиқариш корхоналарига юқори ликвидли хом-ашёни етказиб беришда масофавий назорат тизимлари жорий этилганлиги маълум бўлди.

Мисол учун, Россия Федерациясида Росалкогольинспекция томонидан этил спиртини ташиш қоидалари тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ 2012 йилдан бошлаб этил спиртини ташувчи транспорт воситалари GPS-навигация тизими ва маҳсулот ҳажмини кўрсатиб турувчи махсус қўрилма билан жиҳозланган бўлиши лозим. Бундан ташқари электрон ҳисоб варақ фактуралар ва юк транспорт хатлари тизими интеграция қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги 6033-сонли фармонида асосан, ушбу йўналишларда ишлар олиб борилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунгача биронта тадбир амалга оширилмагани кўзатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда акциз солиғи тизими мамлакат фискал тузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлиб, муҳим давлат хизматлари учун даромад олишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бироқ, жорий актсиз солиғи маъмуриятидаги муаммолар назорат чораларини такомиллаштириш ва умумий самарадорликни ошириш учун стратегик ва комплекс ёндашувни талаб қилади. Ўзбекистонда акциз солиғи маъмуриятчилигининг таҳлили такомиллаштирилиши керак бўлган бир қанча муҳим йўналишларни очиқ беради. Биринчидан, амалдаги солиқ қоидаларининг мураккаблиги риоя қилиш учун жиддий тўсиқ бўлади. Ушбу қоидаларни соддалаштириш жараёнларни соддалаштириши мумкин, бу эса корхоналар ва жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятларини тушуниш ва уларга риоя қилишларини осонлаштиради. Мажбурий камчиликлар яна бир қийинчиликни англатади. Маълумотлар таҳлили ва рақамли воситалар каби илғор мониторинг технологияларини жорий этиш солиқ органларининг солиқ тўлашдан бўйин товлашни аниқлаш ва олдини олиш имкониятларини сезиларли даражада кучайтириши мумкин. Бундан ташқари, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш трансчегаравий солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини бартараф этиш ва янада мустақкам меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш учун муҳим аҳамиятга эга. Шаффоф ҳисобот механизмлари ва хабардорлик кампаниялари солиқ тўловчиларда солиққа риоя қилиш маданиятини оширишга ёрдам беради. Шаффофликни рағбатлантириш ва аҳолини солиқ тўловларининг афзалликлари тўғрисида хабардор қилиш орқали ҳукумат солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида ишонч ва ҳамкорликни мустақкамлайди.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу йўналишда хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш, солиқ базани кенгайтириш ва бюджетга қўшимча солиқ тушумларини ошириш мақсадида:

Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқарувчи корхоналарга махсус етказиб берувчи, шу жумладан истеъмол ва техник этил спирти ҳамда нефть маҳсулотларини ташувчи автотранспорт воситаларини автоматлаштирилган кузатиш тизими ва ҳажмини ҳисобга олиш мосламалари билан жиҳозлаш юзасидан тартибларни кенг жорий қилинишини ҳамда масофавий назорат тизимини ўрнатиш;

хом-ашёни етказиб беришда электрон ҳисобварақ-фактуралар асосида

юк транспорт хатларини мажбурий равишда расмийлаштириш тизимини жорий қилиш юзасидан чора тадбирлар йўлга қўйилди.

Масофавий онлайн кузатиш (GPS) тизимидан фойдаланмаган, ЭҲФсиз, товар транспорт юк хатсиз ташиш ҳолатлари лицензия талабларини бузиш деб баҳоланиб, Комиссия томонидан лицензия амал қилишини 10 кунга тўхтатиб туриш. Этил спиртини реализация қилишда масофавий онлайн кузатиш (GPS) тизимидан фойдаланмаган, товар транспорт юк хатсиз ҳамда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспортларига юклаш ҳолатлари мавжуд бўлганда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан жарима майдончасига жойлаштириш ҳамда

лицензияловчи орган, Солиқ қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни билан хабардор қилиш. Ушбу таклифларни ҳаётга татбиқ этиш орқали Ўзбекистонда акциз солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш, даромадларни самаралироқ йиғиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини камайтириш ва солиқ тўловчилар ўртасида қонунчиликни кучайтиришга олиб келади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Delipalla, S. (2009). *Commodity tax structure and informal activity*. *Bulletin of Economic Research*, 61(3), 283-294.

Giles, D.E., Tedds, L.M., & Werkneh, G. (2002). *The Canadian underground and measured economies: Granger causality results*. *Applied Economics*, 34(18), 2347-2352.

Hai, O.T., & See, L.M. (2011). *Behavioral intention of tax non-compliance among sole-proprietors in Malaysia*. *International Journal of Business and Social Science*, 2(6), 142-152.

Боровко Л.В. (2012) *Формирование социально-ориентированной модели акцизного налогообложения и эффективность её развития*. // *Проблемы экономики и юридической практики*, № 6, с. 71-75.

Джамалов Х.Н., Уразметов Ж.М. (2021) *Задачи анализа финансово-хозяйственно-цифровой деятельности в новой системе финансового менеджмента*. // *Иқтисодиёт ва таълим*, № 3, с. 96-103.

Каширина, М.В. (2017) *Проблемы уплаты акцизов на алкогольную продукцию в России* / М. В. Каширина, Б. Б. Ташполатова // *Московский экономический журнал*. - № 5. - С. 32.

Кодекс (2020) *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси*- Тошкент: Фафур Фулом нашриёт уйи. - 640 б.

Нормурзаев, У. (2023). *Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари*. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 24(1), 334–339. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51

Нормурзаев, У. (2023). *Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш йўлари*. *Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка*, 88–89. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19032>

Нормурзаев, У. (2023). *Яширин иқтисодиётни камайтиришда солиқ органларининг аҳамияти*. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(2), 215–221. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/66>

Тегетаева О.Р. (2016) *К проблемам реформы акцизного налогообложения*. // *Налоговый менеджмент*. № 6. С. 23-27.

Троянская М.А., Низамиева Ю.О. (2013) *Совершенствование акцизного налогообложения как инструмента налогового регулирования*. // *Бизнес в законе*, № 8, с. 121.